# Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

2005 YIL 1 SENTYABR, PAYSHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 106 (6.943). Sotuvda erkin narxda

**Бугун озодлигимиз, эркинлигимиз ва эзгу мақсадларимизга эришиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш, Ватанимизнинг истиқлолини ҳимоялаш авваламбор ўзимизга, ўзимизнинг имконият ва салоҳиятимизга, азму шижоатимизга боғлиқ эканини шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон чуқур англаб, тушуниб олиши даркор.**

**Ислом КАРИМОВ**

# Озод халқнинг улуғ байрами

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Барчангизни Ўзбекистон тарихи ва ҳаётида энг улуғ, энг азиз айём билан, мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ байрами билан табриклашга, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва меҳр-муҳаббатимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстларим, биродарларим!

Бундан ўн тўрт йил муқаддам мустақилликка эришиб, ўзлигини англаб, ўз тақдирини ўз қўлига олиб, мамлакатимизнинг беқиёс бойлик ва имкониятларидан фойдаланишга эга бўлган халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан қатъият билан илгарилаб бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонимиз ҳар бир йили ўн-юз йилларга тенг бўлган тарихий йўлни босиб ўтди.

Бугун ҳаётимизнинг қайси жабҳа ва соҳасини олмайлик, эркинликка ва озодликка эришган, ўз ақл-заковати, билими ва куч-қудратига ишонган халқимиз ўзининг амалий ишлари билан қандай буюк марраларга кўтарилишга қодир эканини яққол исботлаб бермоқда.

Бунинг тасдиғини кундан-кунга чирой очиб бораётган юртимиз чеҳрасида, далаларимиз, қишлоқ ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришларда, янги корхоналар ва ишлаб чиқариш қувватлари, муҳташам иншоотлар, шинам турар-жойлар, равон йўллар ва коммуникациялар тимсолида кўриш мумкин.

Бундай ижобий жараёнлар янгича асосда барпо этилаётган юзлаб ўқув юртлари - мактаб, лицей ва коллежлар, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт муассасалари мисолида намоён бўлмоқда.

Эртанги кунни кўзлаб амалга ошираётган мана шундай бунёдкорлик ишларимизга куч-қувват бераётган кўп қиррали маънавий ҳаётимизнинг янада юксалиши ва унинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бугун ўз ҳосили ва самарасини бермоқда.

Шу борада улуғ аждодларимизнинг бебаҳо маданий ва маърифий меросини, муқаддас қадриятларимизни тиклаш ва ҳаётга қайтариш билан бирга, ҳаётимизни замоннинг энг илғор ютуқ ва мезонлари билан бойитиш, комил инсон, баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия ишини мутлақо янги негизда ташкил этиш, муқаддас динимизга ҳурмат-эҳтиром - фаолиятимизнинг мазмунини белгилаб келмоқда.

Буларнинг барчаси, авваламбор «Ёш авлодга эътибор -келажакка эътибор» деган, ўз олдимизга қўйган шиор-мақсадларимизнинг биз учун куч-қувват ва руҳий бойлик манбаи бўлиб, эртанги кунимизнинг ишончли пойдевори ва кафолатига айланиши муқаррар.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун биз нақадар нотинч ва таҳликали замонни бошимиздан кечираётганимизга ҳаммамиз гувоҳмиз.

Бундай хатарли вазиятда бизнинг тинчлигимиз ва осуда ҳаётимизни, янги жамият қуриш йўлида астойдил меҳнат қилаётганимизни кўролмайдиган, яқин ва узоқ атрофимизда ёвуз ва разил мақсадлар билан бизга кўз олайтираётган, қўпорувчи ва қабиҳ ҳаракатлардан ҳам тап тортмайдиган кучларнинг борлиги барчамиздан доимо сезгирлик ва ҳушёрлигимизни сақлаб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашни талаб этмоқда.

Бугун озодлигимиз, эркинлигимиз ва эзгу мақсадларимизга эришиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш, Ватанимизнинг истиқлолини ҳимоялаш авваламбор ўзимизга, ўзимизнинг имконият ва салоҳиятимизга, азму шижоатимизга боғлиқ эканини шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон чуқур англаб, тушуниб олиши даркор.

Шу борада сиёсий, ҳарбий, иқтисодий омиллар қаторида яна бир ўта муҳим мезон борки, унинг номи - миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусидир.

Бу шундай буюк қудратки, тарихда бу кучга таяниб-суяниб, кўплаб халқлар энг мураккаб синовлардан, давр суронларидан омон чиққан ва бошқаларнинг ҳавасини уйғотадиган эркин ва фаровон ҳаёт қуришга эришган.

Шу маънода, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, қандай буюк куч-қудрат соҳибимиз» деган даъваткор сўзлари барчамизни ўз қадр-қимматимизни англашга, дунёда яккаю ягона бўлмиш Ватанимизни, бетакрор Ўзбекистонимизни севиш ва унга садоқат билан яшашга чорлайди.

Биз миллий ғурур ва ифтихор деганда, бу туйғуни нафақат бугунги муаммо ва қийинчиликларни енгишда, эзгу мақсадларга етиш йўлида суянч сифатида англаймиз, айни пайтда халқаро майдонда эл-юртимизнинг номи, обрў-эътиборини юксалтиришга, унинг шаънига доғ у ёқда турсин, ҳатто соя туширмасликка хизмат қиладиган ҳаётбахш бир куч сифатида тушунамиз. Ва биз бу вазифани бугунги кунда энг муҳим, энг зарур бурчимиз, деб билишимиз даркор.

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун босиб ўтган йўлимизни ва эришган марраларимизни танқидий баҳолар эканмиз, аввало олдимизда турган жиддий вазифалар ва мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш масалалари эътибор марказида турганини чуқур англаб олишимиз керак.

Биринчи галда эл-юртимиз хавфсизлигини таъминлаш, оқни қорадан ажратишга қурбимиз етиши, ҳаётимизда ҳали учраб келаётган лоқайдлик, бепарволик, ўзибўларчилик каби эски асоратлардан воз кечиш, кимдир четдан келиб бизни ҳимоя этади ва оғиримизни енгил қилиб беради, деган қарашларга бутунлай барҳам беришимиз зарур.

Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳа ва соҳаларида кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотлар ва эркинлаштириш сиёсатини янада чуқурлаштириш, одамларимизни иш билан тўлиқ таъминлаш, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатига кенг имконият ва ҳуқуқий кафолатлар яратиб бериш ва уларни амалга ошириш, айнан шулар ҳисобидан аҳолининг даромадини, оладиган маошларини, пенсия, нафақа ва стипендияларни кўпайтириш - буларнинг барчаси сўзда эмас, амалда давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг долзарб масала бўлиб қолади.

Айниқса, жамиятимизда демократик тамойилларни жорий қилиш, фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини замон талабларига мувофиқлаштириш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, аввало, инсон ҳуқуқи, инсон манфаатини ҳимоялашга қаратилган ижобий ишларимизни босқичма-босқич, ҳеч шубҳасиз, охирига етказамиз.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Бугун мен мана шу юксак минбардан туриб, барчангизни бағримга босиб, сизларга, сизларнинг сиймонгизда бутун халқимизга қарата эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Эл-юртимизнинг боши омон бўлсин!

Ватанимизни ёмон кўзлардан, ҳасад ва ғаразли ниятлардан, бало-қазолардан ўзи асрасин!

Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўриш бахти барчамизга насиб этсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!







## Мустақилликнинг 14 йиллиги муносабати билан Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бўлиб ўтган байрам тантаналаридан репортаж

***Мустақиллик - озод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини теран англаши учун чексиз ва буюк имконият.***

Мустақилликнинг ўн тўрт йили - тарихан қисқа, айни чоғда мазмунан асрларга татигулик давр.

Бу йиллар - Президентимизнинг: «Биз ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва бўлмаймиз» деган чорловини ҳаётга изчил жорий этиш йўлида қўйилган ўн тўрт залворли одимдир.

Буни кундан-кун чирой очаётган қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси, барқарор ривожланаётган иқтисодиётимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, тотув ва баҳамжиҳат яшаётган барча миллат ва элатларнинг бугунги ҳаёти исботлаб турибди.

Буни ўтган даврда нефт, ғалла мустақиллигини қўлга киритганимиз ҳам яққол намоён этди.

Буни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалбида, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончи тўла тасдиқлайди.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш, хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган истиқболли дастурларни рўёбга чиқариш борасида ҳам салмоқли натижалар қўлга киритилди.

(Давоми 2-бетда)

# Эзгулик ва таровот масканлари

***Мустақиллик кишини бунёдкорликка, яратувчиликка бошлайди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида пойтахтимизда ва мамлакатимиз вилоятларида кўплаб янги иншоотлар фойдаланишга топширилаётгани шукуҳли айём завқини оширади, кўксимизни фахру ифтихорга тўлдиради. Истиқлол мана шу янги иншоотлар тимсолида янада ёрқинроқ намоён бўлиб, қалбимизда ғурур ва сурур тошади.***

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик темир йўл компаниясининг ўзига хос ўрни бор. У Ўзбекистонда темир йўл тизимини ҳамда тегишли инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришда кўплаб ютуқларни қўлга киритмоқда. Мисол сифатида учинчи босқич ишлари поёнига етаётган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» магистралини, фойдаланишга топширилган «Тошгузар-Деҳқонобод» ва «Тошгузар-Қарадаҳна» участкаларини, битиш арафасида турган «Бойсун-Дарбанд» участкасини, Тошкент билан Самарқанд ўртасида қатнаётган «Регистон» тезюрар поездини келтиришнинг ўзи кифоя.

Тошкент марказий темир йўл вокзали ҳам бугун бутунлай ўзга қиёфа касб этган. Транспорт шовқини, ғала-ғовур, аччиқ тутуни ва чанг-тўзони билан ёдимизда қолган вокзал олдидаги майдон кўкаламзорлаштирилди. Асосий бино миллий меъморлик анъаналари асосида таъмирланди. Йўловчилар ва транспорт воситалари учун қулай бекатлар, чиптахоналар, кутиш майдончалари, фавворалар барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 август куни Тошкент марказий темир йўл вокзалига ташриф буюрди.

(Давоми 2-бетда)

# Сени яхши кўраман, Ватан!

## Шукр

Бу йўллардан карвон ўтар нечалар,
Қумбўронли кунлар, бедор кечалар..
Карвон сокин-сокин қўнғироқ чалар,
Карвон қилиб яратганингга шукр.

Ўн беш кунни ёруғ этган худойим,
Қолганин ҳам ёруғ қилгин, илойим!
Орзу-умидлардан айирма доим,
Инсон қилиб яратганингга шукр.

Тошдан-тошга урилиб сув пишаркан,
Шу сувдан ким боғ қилар, ким ичаркан,
Яна биров лойқалатиб кечаркан,
Уммон қилиб яратганингга шукр.

Ўзбек кимдан олдда, кимдан ортдадир,
Лекин мудом оқибати ёддадир,
Ҳалол нонин баҳам кўрар соддадил –
Деҳқон қилиб яратганингга шукр.

Оғир синов, мусибатлар, дарду ғам –
Этолмади эл кўзин нам, бошин хам.
Иродали ўзбек элин мустаҳкам –
Иймон қилиб яратганингга шукр.

Юртим, сенга қасд қилганлар паст бўлсин,
Хазон бўлсин, оёқости хас бўлсин.
Қолганларга сабоқ бўлсин, дарс бўлсин,
Осмон қилиб яратганингга шукр.

Ким англайди юлдуз тўла осмонни,
Карвон борар кўзлаб қуёшли тонгни,
Қалби уйғоқ, фидойи, мард инсонни
Сарбон қилиб яратганингга шукр!

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## Озодлик боис...

Бугун завқимга байрамдан
Элимнинг шодлиги боис,
Бу байрамга олиб келган
Ватан озодлиги боис.
Ватан озод, элим озод,
Дилим озод, тилим озод,
Бу озодлик туфайли,
Ҳар томон ободлиги боис.
Асрлар уйқусидан мард
Темур уйғонди гўёки,
Буюк Соҳибқирон азми
Жаҳонга ёдлиги боис.
Мисоли ўн тўрт кунлик ой
Тўлишган Ўзбекистоним,
Боқиб дўстлар қувончи ҳам
Ғаним ношодлиги боис.
Магар ёшим ўтиб боргай,
Ёшармоқда, ажаб, кўнглим,
Бутун дунёда ўзбекнинг
Адл қоматлиги боис.
Мунаввар чеҳраларда акс этар
Журъат, шижоат, шаҳд,
Ватан, ҳар бир қизинг Ширин,
Йигит Фарҳодлиги боис.
Муборак Мустақиллик бу
Қуёш янглиғ абад бўлғай,
Азиз халқим яратган шоҳ
Қўшиқ — ижодлиги боис.
Каломни мухтасар айлай,
Ҳабиб, соқий қадаҳ тўлдир,
Олай - ҳар лаҳза озодлик
Тўю дилшодлиги боис.

**Ҳабиб САЪДУЛЛА,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

# Самимий қутловлар

## *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига*

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига энг эзгу қутловларимни изҳор этиш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

Бу йил - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳаётидаги муҳим сана. Биз ташкилотнинг 60 йиллигини нишонлаймиз ҳамда жаҳоннинг барча мамлакатлари томонидан XXI асрда энг яхши дунёни барпо этиш учун асос сифатида 2000 йилда қабул қилинган Мингйиллик декларациясининг беш йиллик ҳисоботини тайёрлаймиз. Ишонаманки, БМТга аъзо мамлакатлар ушбу воқеага ўз назари, эзгу нияти билан холисона ёндашадилар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини такомиллаштириш ва янгилаш учун узоқни кўзловчи чора-тадбирларни амалга оширишга тайёр бўладилар.

Ўзгаришлар ва янгиланишлар ҳар қандай амалдаги институтнинг доимий ҳамроҳи бўлиши шубҳасиз. Аммо мен бу йил ундан-да кенгроқ фаолликни кўраяпман. Мен уни кейинги бир неча йил мобайнида яққол намоён бўлган хавф-хатарларга, чунончи, халқаро терроризм ва оммавий қирғин қуролларини тарқатиш каби хавфларга, шунингдек, давом этаётган қашшоқлик, очлик ва касалликлардан иборат глобал таҳдидларга нисбатан биргаликда жавоб топиш мумкин бўладиган ноёб имконият, деб биламан.

Ўзимизнинг муштарак миссиямизни амалга ошираётган бир пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистоннинг бардавом етакчилиги, олган мажбуриятларига содиқлиги ва мададига умид боғлаб олиш бизга мамнуният бахш этади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган бағоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Кофи АННАН,**
**БМТ Бош котиби**

(Давоми 2-бетда)

***Халқимиз мамлакат мустақиллигининг 14 йиллигини қаршилаяпти. Миллат озодлиги, юрт истиқлоли билан боғлиқ бу тарихий сана — ўзбекистонликларнинг миллий байрами, энг улуғ ва азиз айёми, давлатимизни буюк ўзгаришлар сари юз буришида имконият эшикларини кенг очиб берган қутлуғ кун сифатида нишонланмоқда.***

**НУҚТАИ НАЗАР**

Озодлик фарзандлари ўн тўрт ёшга тўлишди. Улар истиқлол сабоғини олиб, қудратли давлатчиликнинг барча эзгу тамойиллари, миллий-маънавий қадриятларимиз асосида улғайишмоқда. Худога шукур деймиз, ортимизга қарасак қудратли ва шиддатли бир авлод бор, куч бор, эртамиз ва

## ЎН ТЎРТ ЙИЛ:

# Тинчлик ва барқарорлик учун курашда

Миллатнинг қадр-қиммати ва шаъни тикланган, ўзлигига эга бўлган кун бу!

Истиқлолдан сўнг озод юртнинг озод фарзандлари туғилди. Улар униб ўсаяпти, руҳан ҳур, қалбан миллий ғояларга содиқ ҳолда тарбия топишмоқда. Уларнинг дунёқараши мутлақо ўзгача... Соф қарашларини мутелик, тобеликнинг аянчли ёлғонлари хира торттирмаган — лўнда қилиб айтганда, озод авлод камол топаяпти. Ватаннинг келажаги, эртасини шуларга ишонсак бўлади.

келажагимиз қалқонлари бор, истиқлолнинг суянч ва таянчлари бор! Биз парваришлаган ниҳоллар гуркираб ўсаяпти, она-замин бағридан куч олаяпти — илдизимиз шу юрт тупроғига чуқур кетаяпти. Истиқлол боғи ниҳолларининг меваларини ҳам кўриш насиб этди — ўғил-қизларимиз илм-фаннинг барча соҳалари, санъат ва спортда дунёни ҳайратга солиб, Ватан шаънини юксакларга кўтаришмоқда.

(Давоми 2-3-бетларда)

# Энг улуғ, энг азиз неъмат

## Қорақалпоғистон Республикаси

***Мустақиллигимизнинг 14 йиллигини қорақалпоғистонликлар ҳам меҳнатда катта ютуқлар билан кутиб олишмоқда.***

Биргина жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни таҳлил қилсак, ички маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 9,2 фоизга, экспортга маҳсулот чиқариш 79,1 фоизга, саноат маҳсулотлари 47,2 фоизга, республиканинг ялпи ҳудудий маҳсулотидаги кичик бизнес ва ишбилармонлар ҳиссаси 35,8 фоизга ўсганини кўрамиз. Қирққа яқин қўшма корхона ишлаб турибди, ярим йилда жами 43,8 миллион АҚШ доллари ҳажмида инвестиция ўзлаштирилди.

**ФАХР**

Кези келганда, қорақалпоқ деҳқонининг меҳнатга муносабати тубдан ўзгарганини, ўтган йили кейинги ўн йилда илк бор пахтакорларимиз ҳосил байрамини нишонлаганини, ўтган олти ойда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш олдинги йилга солиштирганда 23,3 фоизга ўсганини таъкидлаш жоиз.

Биргина 2005 йилда 5 мактаб янгидан қурилиб, 32 мактаб реконструкция, 23 мактаб йирик таъмир, 20 мактаб жорий таъмир қилинди. Фақат сўнгги уч йилда Нукус шаҳрида 1991 йилгача қурилган 5600 квартирадан иборат 190 та уйнинг таъмири учун бюджетдан маблағ ажратилиб, буларни ниҳоялаш октябр ойига мўлжалланган.

Ўтган "Меҳр ва мурувват йили"да Қорақалпоғистон бўйича 15 та қишлоқ шифокорлик пунктлари битказилиб, уларнинг сони 123 тага етган бўлса, уларнинг 108 тасида жаҳон банкининг "Саломатлик-1" лойиҳаси асосида 43 турдаги, 1 миллиард 170 миллион 697 минг сўмлик тиббиёт диагностика ва даволаш ускуналари ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир қорақалпоғистонлик мустақиллик шукуҳидан руҳланиб, бунёдкорликка ҳисса қўшмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

(Давоми 3-бетда)

***1998 йили профессионал бокс бўйича жаҳон чемпионлиги учун жангда Артур Григорян хорижлик миллатдошлари унга Арманистон байроғи остида рингга чиқишни таклиф этишганда ҳамюртимиз уларга қатъий рад жавоби бериб, шундай деган эди:*** "Мен Ўзбекистон фарзандиман! Мамлакатим байроғи

**ЮРТ ТУЙҒУСИ**

Негадир "жаннат" излаб турли чет элга улоқиб кетаётган юртдошларимиз ҳақида ўйлаганда Артурнинг ибратли сўзлари ёдга тушади. Яқинда эшитиб қолдим. Фалончи хорижда экан, қизининг тўйига келмабди. Қизининг тоғаларига "Ҳозир ишим кўп, ўзларинг бир бало қилиб узатиб

# Иддао билан севмайдилар...

остида боксга тушиш мен учун шараф, бундан фахрланаман. Негаки, шу юртда туғилиб, шу юртда улғайдим. Бу тупроқни кўзимга суртаман. Сизлардан илтимос, бошқа бунақа таклиф қилманглар..."

юборинглар", дебди. Қанақа ота ўзи бу – фарзандига меҳри бўлмаса?.. Ахир ватанпарварлик – оилага бўлган муносабатдан бошланмайдими?

(Давоми 4-бетда)

BANK

ХАЛҚ БАНКИ сизнинг оилангиз банки

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (76) | БЕНЗИН (91) | ДИЗ.ТОПЛИВО | МАЗУТ | СЖ.ГАЗ | МАСЛО ХЛОПК. | САХАР | МУКА выс.сорт |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 399,7 ▲ +2,0 | 463,4 ▼ -1,3 | 283,1 ▲ +1,3 | 77,1 ▼ -39,9 | 334,9 ▲ +42,1 | 814,8 ▼ -9,6 | 588,0 ▼ -0,06 | 280,0 ▼ -0,07 |

# Иддао билан севмайдилар...

(Боши 1-бетда)

Чингизхон Шайх Нажмиддин Куброга жони омон қолишига ваъда бериб одамлари орқали тайин этади: "Маълум қилингларки, Шайх ила қариндошлари жазодан озоддур. Лекин, Урганчни тезда тарк этсунлар!.."

Бу тариқа "мурувват" Шайхга ҳақоратдек туюлди. Бу орада ғалабага кўзи етмаган ночор амалдорлар қалъани ташлаб қочишга мажбур бўладилар.

Кубро эса қариндошлари ва издошларини жангга даъват этиб, ўзи ҳам Шайх либосида қилич яланғочлаб майдонга тушади...

2000 йил. Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегарадош тоғли ҳудудларида террорчилар гуруҳи билан тўқнашув пайтида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг бир неча ҳарбий хизматчиси: Маҳмуджон, Алишер, Ғофуржон, Бобуржон, Сайёр, Маъруфжон, Эломон, Абдуҳаким, Юнус, Улуғбек, Дониёр, Қаҳрамон исмли навқирон йигитларимиз қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Айтинг-чи, уларнинг яшагиси келмаганмиди?

...Ғиждувонлик Зоҳир ака Ражабов Тошкентдан келин туширмоқчи бўлади. Ғофуржон билан Ҳадичахоннинг фотиҳаси бўлиб, августда катта тўй бўлиши керак эди. Ғофуржон ориятли, полвон йигит... Ватанимиз жанубий сарҳадларига суқилиб кирмоқчи бўлган бир гуруҳ газандаларни йўқ қилишда иштирок этишни ўзининг муқаддас бурчи деб билди. У ўзи хизмат қилаётган Тошкент олий ҳарбий билим юрти раҳбариятига шахсан мурожаат этиб, Сариосиёга жўнатишларини сўради. Раҳбарият ҳам Ғофуржонлар тўйидан бохабар бўлиб, "Сен, яхшиси, тўйга тайёргарлик кўр, унгача ўртоқларинг ҳам қайтишар", дейишганига кўнмади. "Юрт тинч бўлмай, дўстларим жангда бўлса, менга тўй татийдими", - деди у...

Афсус, минг афсус, у қайтмади... Юрт осойишталиги деб шаҳид кетди.

...Махсус гуруҳ командирининг ўринбосари Бобур Ғаниев яшаган жой – Марғилонга, ўғлидан ажраган она ҳузурига бориш нақадар оғир эди ўша кунлари...

–Мен ҳатто йиғламаяпман, - деди аза кунлари унинг онаси Мунаввар опа. – Чунки мен ўзимга ҳам, яқинларимга ҳам сўз бердим. Ўғлимга муносиб бўлмоқ учун ўзимни тутиб тураман... Ахир Бобуржонни ёдлаб йиғлашим эмас, мард ўғлон тарбиялай олганимдан фахрланишим керак.

Айтинг, бу сўзларни қандай изоҳлайсиз?! Юртга элга, Ватанга бўлган содиқликка мисол эмасми бу?..

Яқинда содир этилган Андижон воқеаларини олайлик. Воқеа қурбонлари орасида ватанпарвар ўғлонларимиз бор эди. Улар ҳам яшашни хоҳлардилар, ҳаётни севардилар, бу ёруғ дунёдан умидворлиги бор эди. Аммо юрт, миллат тақдири ҳаммасидан устун.

Ватанни бақириб-чақириб, иддао билан севмайдилар. Юрт туйғуси одамнинг жон томиридаги қонига қўшилиб оқади, вужудида, юрагида илдиз отади.

"Ватанни севмоқ иймондандир!" ...Бу – муқаддас битик ва олий даъват. Демак, бунинг мағзини иймонли одамгина тушуна олади.

**Илҳом КАРОМОВ**




“ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ – 2005”

## Халқаро фестивал совриндорлари

**Самарқанддан махсус мухбиримиз Мамадиёр ЗИЁДИНОВ хабар қилади.**

***Муҳташам Регистон майдонида кўҳна шарқ халқларининг куй-қўшиқлари янграб, мухлислар қалбини завқу ҳаяжонга тўлдирди. Бу улуғ анжуманда узоқ-узоқ ўлкалардан келган турли элларнинг фарзандлари санъат туфайли бир-бири билан дийдорлашиб, дўсту қадрдон бўлдилар.***

30 август куни "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда фестивал ғолиблари эълон қилинди ва совриндорлар тантанали равишда тақдирландилар. Ҳакамлар ҳайъати мазкур фестивалнинг энг олий соврини (Гран-при)га муносиб номзод йўқлигини қайд қилишди.

Иккита биринчи ўрин ва ҳар бирига 7000 АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти озарбайжонлик хонанда Айгун Бейларга ва ўзбекистонлик хонанда Нодира Пирматовага топширилди.

Учта иккинчи ўрин соврини ва ҳар бирига 5000 АҚШ доллари миқдоридаги мукофот Қувайт, Италия санъаткорлари ҳамда мўғилистонлик хонанда Урнаа Чахар Тукчиларга насиб этди.

Корея Республикаси, Исроил давлати ва Бангладеш санъаткорлари учинчи ўрин соҳиби бўлишди ва ҳар бири 3000 АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирландилар.

Шунингдек, халқаро фестивал ҳайъатининг 2000 АҚШ доллари миқдоридаги махсус соврини Миср Араб Республикаси вакилларига, ЮНЕСКОнинг 1500 АҚШ доллари миқдоридаги махсус соврини эса афғонистонлик санъаткорларга насиб этди.

Тантанали анжуман сўнгида "Шарқ тароналари" бешинчи халқаро мусиқа фестивали ғолибларининг гала концерти намойиш қилинди. Анжуманнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Қосимов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2004 йил 3-декабр кунидаги 10-0420/9441-сонли ҳал қилув қарори билан "QM-SERVIS" Маъсулияти Чекланган Жамияти банкрот деб эътироф этилди ва тугатишга доир ишлар бошланди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Баширов Анвар Адҳамович тайинланди. Тугатиш ишлари Тошкент шаҳар Учтепа тумани Ўрикзор даҳаси "Гиламлар бозори"нинг маъмурият биносида олиб борилмоқда. Ушбу иш юзасидан алоқадор шахс ва корхоналар 1 ой муддат ичида 199 46 11 телефонига ёки юқоридаги манзилгоҳга мурожаат қилишлари мумкин.

Информация о намерении приобретения пакета акции 25 % от Уставного фонда. Инвестор: СП "ROMSTAR". Эмитент: ЗАО "Гиждуван пилла". Адрес эмитента: Бухарская обл. Гиждуван. Акции безналичные.




## “Насаф” енгилди

***Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида анча барқарор ўйин намойиш этаётган Қаршининг “Насаф” жамоаси 17-турда “Тўпаланг”га қарши кечган баҳсда мағлубиятга учради.***

Ўз майдонида чемпионат фаворитларидан бири “Нефтчи”ни қабул қилган Тошкентнинг “Пахтакор” клуби эса навбатдаги ғалабани қўлга киритиб, турнир жадвалидаги ўрнини мустаҳкамлаб олди. Шунингдек, Виктор Жалилов мураббийлигидаги Муборакнинг “Машъал” жамоаси ҳам Тошкентда “Трактор” билан бўлган беллашувда 3:5 ҳисобида ғалаба қозониб, энг яқин таъқибчиси “Нефтчи”дан етти очкога илгарилаб кетди. Айни кунгача қаршиликлар ўтказилган ўн етти учрашувдан қирқ бир очко жамғарган ҳолда турнир жадвалида пешқадамлик қилишмоқда. Тошкентнинг “Пахтакор” клуби ҳисобида ўттиз саккиз очко бор, бироқ улар ўн олти учрашув ўтказишган холос. Учинчи ўринни банд этиб турган Муборакнинг “Машъал” жамоаси ўн етти учрашувдан ўттиз тўрт очко жамғарган. “Кучли олтилик”дан жой олган Наманганнинг “Навбаҳор” жамоаси ҳамда пойтахт темирйўлчилари йигирма беш очкога эгадирлар.



Ўн еттинчи тур учрашувларида қуйидаги ҳисоблар қайд этилди:

“Пахтакор” 2:0 “Нефтчи”
“Тўпаланг” 2:0 “Насаф”
“Навбаҳор” 1:0 “Металлург”
“Бухоро” 4:3 “Локомотив”
“Шўртан” 2:0 “Сўғдиёна”
“Трактор” 3:5 “Машъал”

“Самарқанд-Д” - “Қизилқум” жамоалари ўртасидаги беллашув 5 сентябрга кўчирилди.

## Оуэн “Ньюкасл”дами?

***Reuters ахборот агентлигининг тарқатган хабарига кўра, “Қироллик клуби” аъзоси, Англия терма жамоаси ҳужумчиси Майкл Оуэн премьер-лиганинг “Ньюкасл Юнайтед” клуби билдирган таклифга розилик берган.***

“Реал” ўз таркибини бразилиялик ҳужумчи Робиньо ҳамда Жулио Баптиста билан тўлдирганидан сўнг, шундоқ ҳам захирадан майдонга тушаётган Оуэнга асосий таркибдан жой топилмай қолганди. Шунинг учун у “Реал”нинг обрўси нечоғли бўлишидан қатъий назар, жисмоний тайёргарлигини йўқотиб қўймаслик мақсадида бошқа клубга ўтиши мумкинлигини маълум қилганди. Англия футболи афсоналаридан бири Алан Ширер тўп сураётган жамоадан тушган таклиф Оуэннинг қарорини қатъийлаштирган кўринади. “Ньюкасл” жамоаси директорлар кенгаши раиси Фредди Шефернинг айтишича, Майкл Оуэннинг трансфер баҳоси 15 миллион фунт стерлингни ташкил қилган. Имзоланиши кутилаётган шартнома тўрт йил муддатга тузилиши режалаштирилган.



## “Олтин оёқ” берилди

***Италиянинг “Милан” ҳамда Украина терма жамоаси ҳужумчиси Андрей Шевченко ҳар йили интернет орқали овоз бериш йўли билан аниқланадиган сайёрамизнинг энг кучли футболчисига топшириладиган “Golden foot” (“Олтин оёқ”) мукофотига лойиқ кўрилди.***

Ўтган мавсумни муваффақиятли якунлаб, “Олтин тўп” совринига мушарраф бўлган ўйинчи тақдимот маросимида сўзга чиқиб, мазкур мукофотга дунёнинг аксарият футбол мухлислари билдирган ишонч туфайли эришаётганлигини таъкидлаб ўтди.



— Мен ушбу обрўли мукофотга оддий кишиларнинг, дунёнинг турли бурчакларида яшовчи футбол мухлисларининг айнан менга ишонч билдирганликлари сабабли эришмоқдаман. – деди у жумладан. — Шунингдек, миллионлар ўйини орқали тарих зарварақларидан ўрин эгаллаган буюклар қатори менинг ҳам оёқ изларим “Чемпионлар боғи”да муҳрланишини энг катта совға сифатида қабул қиламан.

Саксон минг киши иштирок этган интернет сўровда иккинчи ўрин Италия терма жамоаси ҳимоячиси Паоло Мальдинига берилган бўлса, “Реал” Мадрид клуби собиқ ярим ҳимоячиси, португалиялик Луиш Фигу учинчи поғонага муносиб кўрилди. Жаҳоннинг энг яхши футболчиси соврини учун курашда Бекхэм, Креспо, Кан, Ромарио, Рональдо, ван Нистелрой ҳамда франциялик Зайниддин Зиданнинг ҳам номзоди кўрсатилган эди.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**




## Изменения в персональном составе должностных лиц “Туронбанка”

Порядковый номер сообщения –10.

- орган управления банка, в котором произошли изменения – Правление банка;
- фамилия, имя, отчество лица, избранного (назначенного) в орган управления банка – Холикназаров Жахонгир Мирзаабдуллаевич (доля участия в уставном фонде – 0,01%);
- фамилия, имя, отчество лица, полномочия которого прекращены – Бегжанов Бахриддин Санакулович (доля участия в уставном фонде 0,13%);
- дата, когда произошли или произойдут указанные изменения – 30.08.05г.;
- уполномоченный орган банка, принявший решение, являющееся основанием указанных изменений, и дата его принятия или иные обстоятельства, повлекшие указанные изменения – Постановление Совета банка от 30.08.05г.

**Газетанинг навбатдаги сони 6 сентябр, сешанба куни чиқади.**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
ⓗ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Мусаҳҳиҳ: М. БЕКИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба (“Ҳаёт”-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-719, ҳажми 3 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди:
Адади -9709

Газета таҳририятнинг ўзида компютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6